ЭРТАГА УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 63 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИ

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА КОММУНИЗМ САРИ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 256 (17.836). • 6 ноябрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

ЭРТАГА КЎП МИЛЛАТЛИ ВАТАНИМИЗ ХАЛҚЛАРИ, БУТУН ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 63 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИЛАР. АНА ШУ ҚУТЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ АЖОЙИБ ҒАЛАБАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР, ДАВЛАТГА 6 МИЛЛИОН ТОННАДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРДИЛАР.

КЕЧА АНА ШУ АЖОЙИБ ҒАЛАБА ҲАМДА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПАХТАКОРЛАРИМИЗГА ЙЎЛЛАГАН ТАБРИКНОМАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ МИТИНГИ БЎЛИБ ЎТДИ. МИТИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА МАКТУБ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Ўзбекистон ССР коммунистлари, барча меҳнаткашлари республика меҳнатчиларининг катта ғалабаси — давлатга пахта, дон, сабзавот, мева, картошка, полиз экинлари, узум, шилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш юзасидан 1980 йилги социалистик мажбуриятлар ва умуман беш йиллик план ошириб бажарилганлиги муносабати билан Сизнинг самимий табрикномангизни зўр завқ-шавқ билан ва жонажон Коммунистик партияга астойдил миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олдилар.

Совет Ўзбекистони ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлиларининг ютуқларига КПСС ленинчи Марказий Комитетининг табрикномасида берилган юксак баҳони республикамиз меҳнатчилари партия билан ҳукумат, азиз Леонид Ильич, шахсан Сиз Советлар мамлакати халқларининг ягона оиласида Ўзбекистон ССРнинг ҳар томонлама равнақ топиши тўғрисида қилаётган кундалик ғамхўрлик ва оталарча эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси, деб билмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнатчилари пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда эришган муваффақиятлар — КПСС ленинча доно аграр сиёсати, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари, Леонид Ильич, Сизнинг кўрсатмаларингиз, маслаҳатларингиз ва таклифларингиз изчиллик билан амалга оширилишининг натижаларидан биридир. Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда эришилган кўрсаткичлар республика меҳнаткашлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётганликларининг, ҳар бир совет киши севикли Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганлигининг моддий ифодасидир.

Республика пахтакорлари, барча меҳнатчиларининг мислсиз ғалабасига зарбдорларча меҳнат қилиш, ленинчасига ишлаш йили бўлиб қолган Владимир Ильич Ленининг 110 йиллик юбилейи йилида эришилганлиги ғоят шонли воқеа бўлди. Бу ғалаба ўнинчи беш йилликдаги муваффақиятларнинг муносиб гултожи бўлиб, келгуси йиллардаги иқтисодий ва социал ривожланишнинг янги истиқболларини очади.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг қарорлари барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнатчиларини ҳам илҳомлантирмоқда. Сизнинг Пленумда сўзлаган ва чуқур ленинча анализ руҳи билан сугорилган ёрқин нутқингиз партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари фаолиятининг конкрет жанговар программаси бўлиб хизмат қилади, омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада қудратли равишда жўш урдиради.

Жонажон партиянинг коммунистик қурилиш янги марраларини белгилаб берадиган XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари зарбдор съездолди вахтасида туриб ва социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, беш йилликнинг якунловчи йилида янги чўққиларга эришишни, ўн биринчи беш йилликда самарали ишлаш учун яхши замин яратишни кўзламоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, биз — КПСС Марказий Комитетининг табрикномасига бағишланган тантанали митинг қатнашчилари Совет Ўзбекистонининг барча коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари номидан Сизга тинчлик ва тараққиёт, Ватанимизнинг равнақи, Ленин ғояларининг тантанаси йўлидаги олижаноб фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилаб, энг эзгу ва қизғин истаклар йўллаймиз. Сизга битмас-тугаймас куч-ғайрат, катта бахт-саодат, баҳодирона бардамлик, узоқ умр тилаймиз.

Партия ва унинг Сиз бошчилигингиздаги ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашган Ўзбекистон ССР меҳнатчилари мамлакатимиздаги коммунистик қурилиш кишга ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини бундан буён ҳам сарфлайверадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, азиз Леонид Ильич, Сизга ваъда берамиз.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!



1980 ЙИЛ, 5 НОЯБРЬ. Тошкент. Санъат саройи. Ўзбекистон меҳнаткашлари вакилларининг тантанали митинги. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЛТИН ҚЎЛЛИ ПАХТАКОРЛАР МЕҲНАТИ СЕНГА ТУҲФАДИР, ВАТАН!

Ўзбекистон ССР давлатга пахта, дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан шу йилги социалистик мажбуриятларни ва ўнинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажарганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланган митинг

СОВЕТ Ўзбекистонида шодиёна. Жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съезди арафасида ажойиб ғалаба қозонилди — давлатга пахта, дон, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари, канод сотиш юзасидан олинган 1980 йилги социалистик мажбуриятлар ва умуман ўнинчи беш йиллик режалари шараф билан бажарилди.

КПСС ленинча аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилишининг, пахтакорлар, барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари илҳомбахш меҳнатининг, кадрлар маҳорати ошганлигининг, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари амалга оширган моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг пировард якуни бўлмиш шу ғалаба муносабати билан Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасини республика зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Шу табрикномадаги жўшқин сўзлар барча шаҳар ва қишлоқларга таралди. Бу сўзлар барча меҳнаткашларнинг дилида қизғин акс садо берди. Дала шийпонларида ва корхоналарнинг цехларида, область марказларида бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари республиканинг муваффақиятларига берилган юксак баҳо учун меҳнаткашларнинг партия Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга изҳор этган қалб ташаккурини, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг коммунистик қурилиш барча соҳаларидаги муваффақиятларни кўпайтиришга азму қарор берганликларини билдирдилар.

5 ноябрь куни Ўзбекистон пойтахтининг Санъат саройи байрамона ранг-баранг безатилди. Шонли ғалабага ва ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасига бағишланиб, шу ерда ўтказилган тантанали митингга республика меҳнаткашларининг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари келдилар. Машҳур пахтачилик усталарининг, қишлоқ меҳнаткашлари мусобақаси ғолибларининг кўксидаги орден ва медаллар прожекторлар нурида ярқираб турибди.

Саҳна тўрига Ильичнинг портрети қўйилган. Бу — Ильичнинг абадий барҳаёт ғоялари совет кишиларининг зафарларида мужассамлашганининг тимсолидир. Унинг ёнида Ўзбекистон меҳнаткашлари бунёдкорлик ишлари улуғворлигини акс эттирувчи 6 миллион жозибадор рақам ёзилган. Ўзбекистон беш йиллигини якунловчи йилида Ватанга шунча миқдорда пахта топширди. Бу — мисли кўрилмаган мўл, рекорд ҳосилдир!

Президиум столи ёнида ишлаб чиқариш новаторлари билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник Ю. П. Максимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев митингни очади.

Замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик учун оташин курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Митинг иштирокчилари уни самимий кутиб оладилар.

Шуниси қувончлики, мусаффақиятларимиз бу билангина чегараланмайди. Ўтган йилларга кўра анча кўп миқдорда дон, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, узум, ҳўл мева, шилла, канод, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл тери етиштирилди ва тайёрланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев республика ишлаб чиқарувчи кучларини муттасил ва тез ривожлантириш тўғрисидаги кундалик ғамхўрлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур, маънога тўла самимий сўзлари республика меҳнаткашларига завқ-шавқ бахш этади, уларни янги шонли ишларга чорлайди. Қишлоқ меҳнаткашлари Ленин партиясининг режаларини амалга ошириш учун курашда зўр куч ва ғайратга тўлиб-тошдилар. Улар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш билангина чекланмасдан, бу муваффақиятларни кўпайтиришга, КПСС XXVI съездини янги ютуқлар билан нишонлашга азму қарор бердилар.

Ўртоқлар! Азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси республика меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати учун, уларнинг ғайрат шижоати ва интернационал бурчга садоқати учун Ленин партияси берган юксак баҳо ва оталарча ташаккуридир. Табрикномада пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришнинг ойдин йўли белгилаб берилган. Бу табрикнома КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика ишлаб чиқарувчи кучларини муттасил ва тез ривожлантириш тўғрисидаги кундалик ғамхўрлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур маънога тўла самимий сўзлари республика меҳнаткашларига завқ-шавқ бахш этади, уларни янги шонли ишларга чорлайди. Қишлоқ меҳнаткашлари Ленин партиясининг режаларини амалга ошириш учун курашда зўр куч ва ғайратга тўлиб-тошдилар. Улар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш билангина чекланмасдан, бу муваффақиятларни кўпайтиришга, КПСС XXVI съездини янги ютуқлар билан нишонлашга азму қарор бердилар.

(Давоми учинчи бетда).

Ўртоқ Бабрак Кармал ватанига жўнаб кетди

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал 5 ноябрь куни Тошкентдан Кобулга жўнаб кетди.

Афғонистон Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Бабрак Кармални КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов, бошқа расмий кишилар, Тошкент меҳнаткашларининг намояндалари, шаҳарлари ўқув юртларида таълим олаётган афғон ёшлари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Ватанимиз пахтачилигининг шонли тарихига яна бир ёрқин, чинакам зархал саҳифа қўшилди — Ўзбекистон деҳқонларининг илҳомбахш меҳнати буюк ғалаба билан якунланди. Республика ажойиб ютуққа эришганлигини Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига, Леонид Ильич Брежневга ҳаққоний ифтихор ва бажо этилган бурч туйғуси билан маълум қилди: давлатга рекорд миқдорда — 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Ўнинчи беш йилликда Совет Ўзбекистонининг пахтакорлари, барча меҳнаткашлари қадам-бақадам қатъият ва сабот билан интилган эзгу чўққи забт этилди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида мамлакат халқ хўжалиги Ўзбекистоннинг 28 миллион 380 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтинини» олди, бу — планлаштирилганига қараганда 800 минг тонна ортиқдир.

Пахтакорларнинг меҳнат ғалабаси қаттиқ ва машаққатли курашда қўлга киритилди. Беш йилликнинг ўтган йиллари осон бўлмади. 1978 ва 1979 йиллар айниқса оғир келди. Кўкламги совуқ ёмғирлар, қаттиқ шамоллар, дўл ёғиши ғоят катта майдонларда ниҳолларнинг нобуд бўлишига олиб келди. Чигит қайта экилган ерлар миллион гектарга етди. Ёз ойларидаги сув танқислигидан кейин йиғим-терим даврида кўпинча қор аралаш узоқ давом этган ёмғирлар ёғди. Бу йил ҳам осон йил бўлмади. Ёз фаслидаги мислсиз жазирама республиканинг бир қанча областларида сувни жуда тақчил қилиб қўйди. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати ва маҳорати, механизациянинг юксак даражада эканлиги ва ҳар бир пайкалда ишлар пухта ташкил этилганлиги, КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ

(Давоми учинчи бетда).

АЖОЙИБ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

РЕСПУБЛИКА қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларини муттасил бажариб, партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг авж олган бир вазиятда улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар — пахтадан рекорд миқдорда ва эртаги ҳосил етиштирдилар, уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар, шу йилги план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этдилар. Давлат тайёрлов пунктларига биринчи марта 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етказиб берилди, бу эса пландагидан 300 минг тонна кўпдир. Жами пахтанинг 341 минг тоннаси энг қимматли ингичка толали нав пахтадан иборатдир. Пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИГА МЕҲНАТДА ЭРИШГАН ЖУДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРИ УЧУН 1980 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ҳамда Касаба Союзлари Бутуниттифоқ Марказий Советининг тақдимномасини кўриб чиқиб, 1980 йилги СССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга **қарор қиладилар:**

1. «Костромаэнерго» район энергетика бошқармаси Кострома ГРЭСининг энергоблоклар катта машинисти Николай Павлович **Худов**га, «Оренбургэнерго» район энергетика бошқармаси Ирикли ГРЭСи қозон-турбина цехининг катта машинисти Сергей Германович **Носов**га, «Уралэнергомонтаж» трести Рефти монтаж участкасининг турбоагрегатлар монтажчи-слесари Виктор Дмитриевич **Елезаров**га, «Гидроэлектромонтаж» трести Красноярск монтаж участкасининг электромонтажчилар бригадири Константин Артемьевич **Дорогов**га, Волга машинасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи Александр Владимирович **Гришечкин**га, «Электровозостроитель» Тбилиси ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи Амиран Дмитриевич **Гелашвили**га, В. И. Ленин номидаги «Запорожтрансформатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси трансформаторлар ғалтаги ўровчиси Николай Васильевич **Король**га, Лисьвен турбогенератор заводининг фрезерчиси Вениамин Иванович **Кулин**га, «Тюменнефтегазмонтаж» трести 14-ихтисослашган бошқармасининг монтажчи-слесарлар бригадири Владимир Иосифович **Брызкун**га, «Главкомигазнефтестрой» қурилишни механизациялаш бошқармасининг бульдозерчи-машинисти Юрий Павлович **Горюнов**га, Барнаул қозон заводининг электр пайвандчилар бригадири Анатолий Федорович **Кабардин**га, Сизран турбосозлик заводининг карусельчи-токарлари бригадири Анатолий Иванович **Николаев**га, — меҳнатда эришган улкан муваффақиятлари, ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати, ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш ишига шахсан катта ҳисса қўшганликлари учун.

2. «Южкузбассуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Распадская» шахтаси кон қазиш машиналарининг машинисти Владимир Григорьевич **Девятко**га, «Кемеровоуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Черниговский» разрезининг экскаватор машинисти Иван Алексеевич **Леденев**га, «Донецкшахтострой» комбинати 3-шахта қуриш бошқармасининг проходкачиси Степан Семенович **Литвиненко**га, Октябрь 50 йиллиги номли «Гуковуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси шахта ходимлари — проходкачиси Николай Михайлович **Петренко**га, тозалаш забойининг кон ишчиси Анатолий Георгиевич **Шелков**га, «Свердловантрацит» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Одесская» шахтаси тозалаш забойининг кон ишчиси Василий Иванович **Пинчук**ка, «Челябинскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Центральная» шахтаси участкасининг бошлиғи Николай Михайлович **Подлеснов**га, «Донбассантрацит» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Хрустальская» шахтаси тозалаш забойининг кон ишчиси Иван Денисович **Яворский**га, «Главтюменнефтегаз»га қарашли «Нижневартовскнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Мегионнефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасининг нефть ва газ қазиб чиқариш мастери Владимир Яковлевич **Рудольф**га, шу бирлашмага қарашли 2-пармалаш ишлари Нижневартовск бошқармасининг пармаловчи мастери Анатолий Дмитриевич **Шакшин**га, «Пермнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси Кунгур разведка пармалаш бошқармасининг пармаловчи мастери Анатолий Федорович **Шинкевич**га, «Черниговнефтегазразведка» трести чуқур пармалаш Прилуки нефтьгаз равзедка экспедициясининг пармаловчи мастери Федор Захарович **Римаренко**га, — меҳнатда эришган жуда катта ютуқлари, ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати, ёқилғи қазиб олишнинг илғор методларини муваффақиятли жорий этганликлари учун.

3. Қарағанда металлургия комбинатининг вальцовшчиги Сергей Васильевич **Дрожжин**га, Челябинск трубопрокат заводининг вальцовшчиги Анатолий Андреевич **Кравченко**га, С. Оржоникидзе номидаги «Запорожсталь» Запорожье металлургия заводининг пўлат эритувчиси Виталий Артемович **Сиводед**га, «Уралчермет» ишлаб чиқариш бирлашмаси Лисьвин металлургия заводининг сирловчиси Нина Ивановна **Филиппова**га, «Востокшахтопроходка» трести 1-Нижнетагиль шахта қурилиши бошқармаси кон проходкачилар бригадасининг бошлиғи Александр Сергеевич **Шамов**га, ВЛКСМ 50 йиллиги номли Красноярск алюминий заводи электролизчилар бригадири Андрей Степанович **Рябов**га, «Забайкалзолото» Забайкалье ишлаб чиқариш бирлашмаси кон проходкачилар бригадасининг бошлиғи Фасхиттин Фархеевич **Фахрутдинов**га, Совет Украинасининг 50 йиллиги номли Днепр электрод заводининг станокчиси Валентина Александровна **Черкашина**га, Навоий кон-металлургия комбинати комплекс бригадаларининг бошлиқлари Валерий Иванович **Колисниченко**га, Александр Иванович **Степанов**га, «Куйбишевнефтеоргсинтез» Куйбишев ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори Виктор Иванович **Долматов**га, Волга асбест техника буюмлари заводининг йигирувчиси Валентина Викторовна **Ташчилкина**га, — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, машина-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширганликлари учун.

4. Днепропетровск металлургия машина-ускуналари заводи комплекс бригадасининг бошлиғи Михаил Дмитриевич **Воробьев**га, Октябрь революцияси номли Ворошиловград тепловозсозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг қолипловчи-темирчилар бригадири Иван Федорович **Зюнев**га, «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси С. Оржоникидзе номли Уральск оғир машинасозлик заводининг фрезерчиси Тамара Николаевна **Постникова**га, И. И. Лепсе номидаги «Знамя труда» Ленинград арматурсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Николай Семенович **Журавский**га, Воткин машинасозлик заводининг токари Леонид Степанович **Литкин**га, С. Оржоникидзе номли Горький авиация заводининг токари Гурий Иванович **Рибаков**га, механика заводининг токари Евгений Александрович **Кострюков**га, «Красний Октябрь» Москва машинасозлик заводининг ходимлари токарлар бригадири Василий Дмитриевич **Лобанев**га, слесарь Василий Яковлевич **Портнов**га, Белоруссия Ленин комсомоли номли Полоцк шиша тола заводининг ишчиси Галина Казимировна **Борейко**га, Қозон фотожелатин заводининг йиғувчиси Файма Шокировна **Нигматзянова**га, «Краситель» Рубежанск ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси Николай Афанасьевич **Резников**га — ишнинг илғор методларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш асосида меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари учун.

5. Учинчи давлат подшипник заводининг токари Любовь Кузьминична **Толстолиткина**га, «Автозаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Коммунар» Запорожье автомобиль заводининг слесари Алексей Филиппович **Хитрик**ка, КПСС XXIV съезди номли Чебоксари агрегат заводининг пўлат эритувчиси Илья Васильевич **Григорьев**га, К. Е. Ворошилов номидаги Днепропетровск комбайн заводининг газ-электр пайвандчиси Иван Платонович **Крутенко**га, «Кургансельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси Николай Константинович **Федотов**га, машинасозлик заводининг токари Николай Федорович **Яникин**га, СССР 50 йиллиги номли Дальзавод кемалар корпусларини ремонт қилувчилар бригадири Петр Максимович **Войтюк**ка, «Знамя труда» заводи комплекс бригадасининг бошлиғи Геннадий Александрович **Горбунов**га, Коломна станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадири Вячеслав Николаевич **Безшапошников**га, С. М. Киров номидаги Гомель станоксозлик заводининг чархловчи токари Владимир Леонович **Шваров**га, «Стройгидравлика» Одесса заводининг силлиқловчиси Леопольд Михайлович **Секержимский**га, Таллин радиоэлектрон техника ишлаб чиқариш бирлашмасининг автоматчи токари Михаил Георгиевич **Гущин**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, меҳнат жараёнларини комплекс такомиллаштириш негизида машинасозлик ишлаб чиқаришдаги ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати учун.

6. «Краснодарский ЗИП» ишлаб чиқариш бирлашмаси чархловчи токари Андрей Кондратьевич **Соломахин**га, Нальчикдаги «Телемеханика» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика-йиғув ишлари слесарларининг бригадири Валентин Филиппович **Карпенко**га, «Завод арсенал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси Иван Александрович **Чуб**га, асбобсозлик заводи комплекс бригадаларининг бошлиқлари Николай Кузмич **Фадеев**га, Анатолий Михайлович **Кокурин**га, машинасозлик заводи ходимлари — токарлар Владимир Константинович **Петров**га, Владимир Кузьмич **Никодименко**га, Павел Сергеевич **Филиппов**га, фрезерчи Александр Иванович **Кононов**га, «Полет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Иван Николаевич **Гражданкин**га, автоматика заводи механика йиғув ишлари слесарларининг бригадири Иван Емельянович **Рябов**га, В. Д. Калмиков номидаги Москва ҳисоблаш-аналитика заводининг монтажчиси Иван Федорович **Синодский**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, техника ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш асосида ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати учун.

7. «Дальлеспром» Бутуниттифоқ ўрмон-саноат бирлашмаси Средне-Амгунь ўрмон саноат хўжалиги ёғоч тайёрлаш бригадасининг бригадири Иван Николаевич **Шабанов**га, Бутуниттифоқ «Комилеспром» ўрмон-саноат бирлашмаси Сиктивдин ўрмон-саноат хўжалиги автомобиль ҳайдовчиларининг бригадири Федор Прокопьевич **Ковал**га, «Северолесэкспорт» Архангельск ишлаб чиқариш бирлашмаси Соломбальск ёғоч тилиш-ёғочсозлик комбинати рам потоги ишчиларининг бригадири Григорий Андреевич **Соколов**га, «Красноярсклесстрой» трести 38-Богучанск қурилиш бошқармаси йўл қурилиши бригадасининг бошлиғи Юрий Петрович **Плотников**га, Черкасси ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш область бошқармаси Канев гидролесомелиорация тажриба станцияси тракторчи-машинисти Алексей Филиппович **Чабан**га, «Оргсинтез» Горький ишлаб чиқариш бирлашмаси ректификация аппаратчиси Александра Михайловна **Ежова**га, «Сахалинбумпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Углегорск целлюлоза-қоғоз заводи қоғоз тайёрлаш машинасининг машинисти Николай Иванович **Ларионов**га, Гознак Москва босма фабрикасининг ишчиси Виктор Иванович **Никашин**га, Қозон мисинструментал заводининг асбобсоз-слесари Владимир Николаевич **Черепанов**га, М. И. Калинин номидаги Подольск механика заводи созловчи-слесарлар бригадири Виктор Дмитриевич **Сорокин**га, Кемерово область ижроия комитети нон пишириш саноати бошқармаси Ленинск-кузнецк нон комбинатининг нон пиширувчи мастери Нина Николаевна **Бойко**га, Бошқирдистон ишлаб чиқариш геология бирлашмаси Баймоқ геология-разведка экспедициясининг пармаловчи мастери Николай Васильевич **Матвеев**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш негизида ишнинг юксак самарадорлиги ва сифатига эришганликлари учун.

8. Камишин ип-газлама комбинатининг йигирувчиси Анна Егоровна **Хонина**га, Киселевдаги «Кузбассобов» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси Валентина Васильевна **Панина**га, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги номли Черкасси шойи комбинатининг тўқувчиси Евдакия Ивановна **Титаренко**га, В. И. Ленин номидаги Иваново камволь комбинатининг тўқувчиси Валентина Николаевна **Голубева**га, К. И. Фролов номидаги Иваново меланж комбинатининг йигирувчиси Анастасия Федоровна **Ерофеева**га, Ленинграддаги «Веретено» йигириш фабрикасининг йигирувчилари Зоя Петровна **Васильева**га, Галина Александровна **Терентьева**га, Августа Михайловна **Горбунова**га, Донецк тажриба намуна ишлаб чиқариш балиқ комбинати кўл ва кўл-ҳовуз хўжалиги балиқчиси Михаил Николаевич **Попов**га, сут саноати Краснодар ишлаб чиқариш бирлашмаси Тихорец пишлоқ комбинатининг мой тайёрлаш мастери Клавдия Ивановна **Дудик**ка, «Узхлебпром» республика саноат бирлашмаси Қўқон нон комбинати карамелчиларининг бригадири Мақсуд **Усмонхўжаев**га, Трал флоти Рига базасининг «Виктор Худяков» катта музлатиш балиқ овлаш траулери капитани Элдор Соиб ўғли **Садихзода** (Зоур)га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирганликлари ва сифатини яхшилаганликлари учун.

9. «Брестсельстрой» қурилиш бирлашмаси 8-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи Степан Лукич **Волк**ка, 21-«Мособлстрой»га қарашли 1-трест қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Михаил Васильевич **Гил**га, «Промхиммонтаж» трестига қарашли 12-Северодонецк ихтисослашган бошқармаси монтажчиларининг бригадири Александр Дмитриевич **Гадияк**ка, «Южуралтяжстрой» трести 2-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Владимир Михайлович **Гринев**га, «Осколстрой» трести «Цемстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Николай Андреевич **Денисов**га, 1-«Мосстрой» трести 6-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Владимир Андреевич **Затворницкий**га, «Главленинградстрой»га қарашли 87-трест 13-иш бошлиғи бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Тимофей Ермолаевич **Лозин**га, «Ленметрострой» қурилиш бошқармаси 15-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Алексей Александрович **Малишев**га, «Главомскпромстрой»га қарашли 2-трестнинг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси сувоқчилар бригадири Нина Федоровна **Науменко**га, Белоруссия қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Николай Георгиевич **Сасим**га, «Башмедьстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Виктор Павлович **Шепельков**га, «Вильнюсстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси ғишт терувчилар бригадири Альфонсас Антано **Ядзявичус**га, — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, бригадаларни иш билан таъминлаш йиллик планларини ва қурилишнинг поток методларини жорий этиш асосида ишнинг юксак самарадорлиги ва сифатига эришганликлари учун.

10. Челябинск профилланган пўлат тўшами заводининг аппаратчиси Василий Михайлович **Астапов**га, Калининдаги 2-бинокорлик материаллари комбинатининг прессловчи оператори Мария Ивановна **Воронова**га, В. И. Ленин номидаги Чимкент цемент заводи айланма печларининг машинисти Тунишбек **Даутбеков**га, Карачаров механика заводининг слесари Алексей Васильевич **Живописцев**га, Краснодардаги «Элеваторстройдеталь» заводи электр пайвандчиларининг бригадири Анатолий Пантелеевич **Кучеренко**га, Бескудниковдаги 1-бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати қолипчилар бригадири Николай Иванович **Макаров**га, Киевдаги қурилиш индустрияси комбинати пресс пайвандчиси Борис Кузьмич **Певно**га, СССР 50 йиллиги номидаги Уральск асбест қон саралаш комбинати экскаватор бригадаси катта машинисти Владимир Иванович **Помазкин**га, «Калугасельстрой» трести Куров темир-бетон буюмлари заводи бетончилар бригадасининг бошлиғи Зоя Федоровна **Решетнева**га, «Харьковжелезобетон» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-темирбетон конструкциялар заводи арматурачилар бригадири Федор Семёнович **Сахно**га, Ленинграддаги бадиий ойна заводи шиша буюмлар пардозловчиси Владимир Федорович **Соловьев**га, Октябрь революциясининг XI йиллиги номли машинасозлик заводи механика йиғув ишлари слесари Анатолий Прокофьевич **Шабельников**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, маҳоратни такомиллаштириш ва турдош касбларни эгаллаш асосида бинокорлик материаллари саноати ҳамда қурилиш индустриясида ишни юксак самарадорлиги ва сифати учун.

11. Москва темир йўли ходимлари — Брянск-2 локомотив депоси электровоз машинисти Геннадий Николаевич **Денисов**га, Петрево вагон депоси вагонлар ремонтчи-кузатувчиси Митрофан Парамонович **Батин**га, Орехово-Зуево станциясининг поездлар тузувчиси Анатолий Васильевич **Родионов**га, граждан авиацияси Красноярск бошқармаси Норильск авиация отряди бирлашмасининг вертолёт командири Владимир Константинович **Яшин**га, Олтой ўлкаси автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бошқармаси 1-йўл қурилиши бошқармаси йўл ишларининг бригадири Василий Григорьевич **Гольцов**га, Целиноград автомобиль комбинати автомобиль ҳайдовчиларининг бригадири Петр Михайлович **Колос**га, Ленинград транспорт узели автомобилларда юк ташишга хизмат кўрсатувчи бошқармаси 1101-автомобиль колоннаси ҳайдовчиларининг бригадири Евгений Иванович **Шаров**га, Латвия денгиз пароходчилиги капитани Михаил Нестерович **Подолян**га, Сахалин денгиз пароходчилиги капитани Владимир Константинович **Столяров**га, Новороссийск денгиз пароходчилиги капитани Владимир Семенович **Сотников**га, командир — Волга хавзаси йўл бошқармаси «Волга» земснаряди механигининг биринчи ёрдамчиси Виктор Ефимович **Серов**га, Лена бирлашган дарё пароходчилиги теплоходининг (марҳум) капитани Александр Константинович **Бабичев**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, транспортда ишнинг юксак самарадорлиги ва сифати учун.

12. Олтой ўлкаси, Родинское районидаги «Степной» давлат наслчилик заводининг механизатори Петр Степанович **Кошкин**га, Приморье ўлкаси Ханка районидаги «Авангард» совхози шоликорлик звеносининг бошлиғи Ольга Николаевна **Соколова**га, Курган область Катайск районидаги «Родина» колхози трактор далачилик бригадасининг бошлиғи Михаил Васильевич **Бушухкин**га, Омск область Русская-Поляна районидаги «Цветочний» совхози механизациялашган звеносининг бошлиғи Валерий Григорьевич **Неупокоев**га, Ульяновск область Чердакли районидаги «Победа» колхози трактор далачилик бригадасининг бошлиғи Николай Юрьевич **Додонов**га, Ульяновск область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Мелекесс район бирлашмаси қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилувчи слесари Николай Николаевич **Назаров**га, Шимолий Осетия АССР Моздок районидаги «Красная Осетия» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи Петр Михайлович **Гаснев**га, Днепропетровск ғалла маҳсулотлари область бошқармаси 2-Криворож ғалла маҳсулотлари комбинатининг вальцовкачиси Нина Николаевна **Смелянец**га, Қрим области Красноперекопск районидаги «Пятиозерний» совхози шоликорлик бригадасининг бошлиғи Надежда Ильинична **Руденко**га, Ровно область Гошчанск районидаги А. А. Жданов номли колхоз комплекс бригадасининг бошлиғи Николай Иович **Степанчук**ка, Кўкчатов область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси Қизилтов элеваторининг ғалла қуритувчиси Ғалимжон **Муқанов**га, Целиноград область Шортани районидаги Қозоғистон 18 йиллиги номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Александр Владимирович **Логинов**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, фан, илғор практика ва меҳнатни ташкил этишнинг янги формалари ютуқларидан самарали фойдаланиш негизида донли ва ёрма экинларидан муттасил мўл ҳосил етиштирганликлари учун.

13. Олтой ўлкаси, Павловск районидаги «Прутский» совхози қорамолларни сўқимга боқиш оператори Андрей Федорович **Ушаков**га, Краснодар ўлкаси Тимашевский районидаги «Индустриальний» совхози чўчқаларни бўрдоқига боқиш оператори Михаил Александрович **Ромашин**га, Ненец автоном округидаги «Индигский» совхози буғучилик бригадасининг бошлиғи Петр Николаевич **Апицин**га, Кострома область, Кострома районидаги «Караево» ишлаб чиқариш-илмий бирлашмасининг сигирларни машинада соғиш оператори Альбина Николаевна **Яковлева**га, Ленинград область, Всеволожск районидаги «Невская» паррандачилик фабрикасининг оператор-паррандабоқари Антонина Андреевна **Григорьева**га, Днепропетровск область, Магдалиновка районидаги А. В. Суворов номли колхоз қорамол бузоқларини ўстириш оператори Евдокия Максимовна **Бондаренко**га, Тернополь областидаги Теребовлян чўчқа гўшти етиштириш хўжаликлараро комплекси чўчқаларни бўрдоқига боқиш оператори Анна Григорьевна **Кричковская**га, Бухоро область Томди районидаги В. И. Ленин номли совхознинг бош чўпони Қодирмурод **Қорабеков**га, Фарғона область Олтиариқ районидаги Ф. Энгельс номли колхоз пиллачилик звеносининг бошлиғи Фазилат **Қўзибоева**га, Чимкент область Сайрам районидаги В. И. Ленин номли колхознинг бош чўпони Жуман **Аёзбоев**га, Латвия ССР Добелск районидаги «Кроньауце» совхози чўчқачилик бригадасининг бошлиғи Зинаида Иосифовна **Ганебная**га, Норин область Отбоши районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони Урозоқин **Мамбетоқунов**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, илғор технологияни қўлланиш, ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш асосида чорвачиликнинг юқори сифатли ялпи маҳсулотини кўпайтирганликлари учун.

14. Қанд лавлаги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти Льгов тажриба-селекция станцияси механизациялашган отрядининг бошлиғи Семен Логвинович **Бринцев**га, Сахалин область Углегорск районидаги «Краснопольский» совхозининг тракторчи-машинисти Семен Матвеевич **Пономарев**га, Житомир область Житомир районидаги «Вертокиевка» совхозининг трактор-хмелчилик бригадасининг бошлиғи Галина Талимоновна **Гришчак**ка, Одесса область Сарата районидаги «Южний» совхоз-заводининг узумчилик бригадаси бошлиғи Лидия Григорьевна **Чешенко**га, Черкасси область Чигирин районидаги «Дружба» колхози боғдорчилик бригадасининг бошлиғи Иван Иванович **Захарченко**га, Брест область, Иваново районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи Андрей Федорович **Ксенда**га, Витебск область, Толочин районидаги В. И. Ленин номли колхоз механизациялашган звеносининг бошлиғи Степан Григорьевич **Блашкевич**га, Грузия ССР Махарадзе районининг Лихаури қишлоғидаги В. И. Ленин номли колхоз чойкорлик звеносининг бошлиғи Зуроб Константинович **Урушадзе**га, Озарбайжон ССР Хонлар районидаги Сафаралиев номли совхоз узумчилик бригадасининг бошлиғи Умид Маметдаги ўғли **Олёров**га, Озарбайжон ССР Имишли районидаги М. Б. Қосумов номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Панох Оллоҳберди ўғли **Гасанов**га, Тожикистон ССР Турсунзода районидаги М. И. Калинин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Абдулаҳат **Гадоев**га, Чоржўй область Саёт районидаги «СССР 40 йиллиги» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Гулсара **Розиева**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, техника экинлари, сабзавот, мевали экинлар, картошка, зиғир, пахта, чой етиштиришда илғор технологияни, комплекс механизацияни ўзлаштириш ва жорий этиб, ана шу экинлардан муттасил мўл ҳосил етиштирганликлари учун.

15. Краснодар ўлка Кавказ районидаги «Венце-Заря» давлат наслчилик заводи механизациялашган звеносининг бошлиғи Николай Иванович **Гнездилов**га, «Уссурийскводстрой» трестининг 52-механизациялашган кўчма колоннаси экскаватор машинисти Валентин Евстигнеевич **Лесник**ка, Ставрополь ўлкаси Степновский районидаги М. И. Калинин номли колхоз ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи Василий Алексеевич **Карнейчук**ка, Ростов «Облмежколхозстрой» бирлашмасига қарашли Орлов қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Виктор Павлович **Заправадов**га, Бошқирдистон АССР Стерлитамок районидаги Салават номли колхоз ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бошлиғи Ахтям Хуснуллович **Галиакберов**га, Винница область Бершадь районидаги Г. И. Котовский номли колхоз тракторчи-машинисти Филипп Лонвинович **Кисел**га, «Андижанирстрой» трести Шахрихон қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти Ёқубжон **Марасулов**га, Тернополь қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Козова район ишлаб чиқариш бирлашмасининг автомобиль ҳайдовчиси Михаил Дмитриевич **Марчило**га, Литва ССР, Кедайн районидаги М. Мельникайте номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиғи Адольфас Юозапович **Густас**га, Молдавия ССР Леово район колхозлар кенгаши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва электрлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси механизациялашган отрядининг бошлиғи Николай Иванович **Пара**га, Арманистон ССР Степанаван районидаги Гюлагарак совхози далачилик бригадасининг бошлиғи Аршалуйс Гайкович **Дохолян**га, Эстония ССР Харью районидаги А. Соммерлинг номли совхоз механизациялашган звеносининг бошлиғи Мейнарт Юганович **Проман**га — меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, техникадан юксак самарали фойдаланганликлари, ем-хашак етиштиришда мелиорация ва қишлоқ қурилишида илғор технологияни жорий этганликлари учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари
Л. БРЕЖНЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. ТИХОНОВ

МЕҲНАТ ИНСОНГА ШУҲРАТ КЕЛТИРАДИ

ВЦСПС раиси А. И. ШИБАЕВ билан суҳбат

Меҳнат кунларимизнинг мароми ҳозир КПСС XXVI съездига тайёргарлик билан белгиланади. Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Съездолди мусобақаси кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Бу мусобақа беқиёс зўр оммавийлиги, унда қатнашаётган барча кишиларнинг ижодий изланиши ва жонкуяр манфаатдорлиги билан ажралиб турибди. Миллион-миллион меҳнатчилар Улуғ Октябрь байрамини йиллик ва беш йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамда олинган социалистик мажбуриятларни бажариш билан нишонламоқдалар.

Улуғ ишлар қаҳрамонларни, социалистик турмуш тарзини мужассамлаштирувчи кишиларни юзага чиқармоқда. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун, жамоат бойлигини янада ошириш учун ўзларига хос сабот ва қатъият билан тинимсиз курашмоқдалар. Ватан улар билан ҳақли равишда фахрланади. У ўз қаҳрамонларининг шавкатли ишларини шарафлайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига биноан 180 нафар ишлаб чиқариш илғори ва новаторига меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари берилди. Улар орасида халқ хўжалиги кўпчилик тармоқларининг, барча иттифоқдош республикаларнинг намояндалари бор.

Бу ажойиб меҳнатчилар мамлакатнинг турли жойларида яшайдилар, ҳар хил соҳаларда ишлайдилар. Аммо уларнинг ҳаммалари меҳнатга чинакам коммунистик муносабатда бўлишлари, эришилган натижа билан кифояланиб қолмасликка интилишлари, ўз имкониятларини танқидий анализ қилишлари, меҳнат унумдорлигини янада ошириш йўлларини қидириб топишлари билан ажралиб турадилар.

Лауреатларнинг қарийб ярмиси бригадирлар эканлиги характерлидир. Бу ҳол эндиликда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ҳал қилувчи формага айланиб қолаётган меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси аҳамияти ўсиб бораётганлигидан яна бир карра далолат беради.

СССР Давлат мукофотининг лауреатлари орасида Кострома ГРЭСи энергетика блокларининг катта машинисти Н. П. Худов бор. У йирик энергетика блокларини муддатидан илгари ўзлаштириш ишига, уларнинг пишиқ-пухта ва самарали ишлашини оширишга катта ҳисса қўшди. У ишга ижодий ёндашиши, технология машина-ускуналарини ишлатишнинг илғор методларини жорий этиши туфайли тармоқда ёқилғи тежаш салмоғи жиҳатидан энг яхши кўрсаткичларга эришди.

Н. М. Петренко бошчилигидаги кон йўлини очиш бригадаси «Гуковуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Октябрь 50 йиллиги номли шахта муваффақиятли ишлашига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бригадир киритган бир талай қимматли таклифлар амалий равишда қўлланилди ва замон синовидан ўтди. Беш йилликнинг дастлабки кунларидан бошланган иш мароми ой сайин конлар орасида 150-170 метр йўл очиш имконини бермоқда. Бу кўрсаткич бирлашмадаги ўртача суръатлардан икки баравардан зиёд ортиқдир.

«Нижневартовскнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги нефть ва газ қазиш мастери В. Я. Рудольф бригадаси «Ҳар бир кон-қудуқдан имкони борича кўпроқ нефть чиқарамиз» деган шиор остида меҳнат қилмоқда. Кон-қудуқларни самарали ишлатиш, машина-ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, технология режимларига қатъий риоя қилиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ўнинчи беш йилликда бригада муваффақиятли ишининг энг асосий таркибий қисмлари бўлиб қолди. Ҳар бир оператор ҳисобига қазиб олинаётган нефть бригадада ҳар кеча-кундузда уч минг тоннага етказилди. Бу — бошқармадаги ўртача кўрсаткичдан тўрт баравар кўп.

С. Оржоникидзе номидаги «Запорожсталь» металлургия заводининг пўлат қуювчиси В. А. Сиводед севикли ишга ўз умрининг сал кам ўттиз йилини бағишлади. У кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётган бригада пўлатнинг янги маркаларини эритишнинг илғор технологиясини мукаммал ўзлаштириб олган. Бригада ҳар уч эритмадан бирини тезкор усулда ўтказади. Ўтган йил август ойида у беш йиллик учун қабул қилинган социалистик мажбуриятни бажариб бўлди. Топшириқдан ташқари 3,5 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли пўлат эритилди.

Коломна станоксозлик бирлашмасининг фрезерчилар бригадири В. Н. Безшапошников меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш намунасини кўрсатмоқда. Унинг таклифи билан участкадаги станоклар қайтадан жойлаштирилди, моддий-техника таъминоти яхшиланди. Бригада станокчиларни тарбиялашнинг жуда яхши мактаби бўлиб қолди. У ўзининг беш йиллик топшириғини 4 йилу 3 ойда бажарди. Кўп йиллардан бери бу ерда меҳнат интизоми бирон марта бузилгани йўқ.

Ленинграддаги «Веретено» йигирув фабрикаси йигирувчилар бригадасининг аъзолари З. П. Васильева, Г. А. Терентьева ва А. М. Горбуновалар фақат зарбдорларча ишлаймиз, фақат аъло сифатли маҳсулот берамиз, деган шиор билан ишламоқдалар. Улар таклиф этган машина-ускуналарда ишлашнинг янги усули меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини берди. Илғор ишчилар тармоқ нормасида белгиланган 1060 та ўрнига 4368 та урчуқда ишлай бошладилар. Беш йиллик бошланганидан бери улар 14 йиллик топшириққа тенг келадиган миқдорда калава ип ишлаб чиқардилар. Илғор бригаданинг тажрибаси кенг миқёсда қўллаб-қувватланди. Ҳозир фабриканинг ўзида бу бригаданинг 600 дан кўпроқ издоши бор. Йигирувчиларнинг 40 проценти иш зонасини икки баравардан зиёд кенгайтирди.

«Брестсельстрой» қурилиш бошқармаси 8-кўчма механизациялашган колоннасининг С. Л. Волк бошчилик қилаётган комплекс бригадаси қурилиш ишларини йиллик иш графикларига мувофиқ поток усулида олиб бормоқда. Коллективда иш вақтининг зое ўтказилиши деярли йўқ даражага келтирилган. Беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги 32 процент ошди. Ҳамма объектлар муддатидан илгари, «яхши ва аъло» баҳолар билан топширилди.

Бу йил Қозоғистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари мўл дон ҳосили етиштирдилар. Целиноград автотранспорт комбинатининг шофёрлар бригадири П. М. Колосни ҳақли равишда деҳқонларнинг ўримдаги ишончли шериги деб ҳисоблайдилар. Бу йил у йигирма биринчи ўрим кампаниясини ўтказди, неча ўн минг тонналаб дон ташиб берди. У ўзи ясаган 25 тонналик автоприцеп ёрдамида ўз автопоездининг юк кўтариш қобилиятини 100 тоннага етказди. Шахсий беш йиллик топшириғини 1978 йил декабрида бажариб бўлган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши усталаридан катта бир группасининг меҳнатдаги жасорати СССР Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Янги лауреатлар орасида 312 гектар ернинг ҳар гектаридан 41,3 центнер шоли етиштирган Приморье ўлкасидан шоликор О. Н. Соколова, ҳар юз бош совлиқдан 170 бош қўзи олган ўзбекистонлик чўпон Қ. Қорабеков, 265 тоннадан зиёд чой барги териб олган грузиялик чойкор З. К. Урушадзе, йил сайин мўл пахта ҳосили етиштираётган туркманистонлик пахтакор Г. Рўзиева, жамоат чорвачилиги учун 14,5 минг тонна ем-хашак тайёрлаган эстониялик механизатор М. Ю. Проман ва бошқа кўпгина азаматлар бор.

Лауреат бўлган ишчилар меҳнатда юксак марраларга эришдилар. Улар бебаҳо аҳамиятга молик тажриба орттирдилар. Шу тажрибани кенг меҳнаткашлар оммасининг мулкига айлантириш — хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг бурчидир.

(ТАСС).

ОЛТИН ҚЎЛЛИ ПАХТАКОРЛАР МЕҲНАТИ СЕНГА ТУҲФАДИР, ВАТАН!

(Боши биринчи бетда).

Азиз ўртоқлар, катта ғалаба билан табриклаганликлари учун, камтарин меҳнатимизга ғоят юксак баҳо берганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, шахсан Азиз Леонид Ильич Брежневга сизларнинг номингиздан, сизлар орқали эса республиканинг барча меҳнаткашлари номидан самимий миннатдорчилик ва чин кўнгилдан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бизнинг пахта майдонида бу йил эришган ғалабамиз — партия ленинча аграр сиёсатининг ҳаётийлиги ва кучини, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларининг донолигини исботловчи яна бир ёрқин далилдир.

Бизнинг ғалабамиз — КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, мамлакатдаги барча қардош халқлар ва аввало, улуғ рус халқининг республикага тобора кўплаб бераётган ёрдами натижасидир.

Бизнинг ғалабамиз — кадрларимиз битмас-туганмас меҳнатсеварлиги ва илҳомбахш маҳорати, қатъий иродаси ва бениҳоя зўр масъулияти, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, Ўзбекистон барча меҳнаткашлари юксак ижодий активлиги уйғунлигининг тимсолидир.

Бизнинг ғалабамиз — республика партия ташкилоти, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомолнинг юксак ишчанлиги ва собитқадамлиги амалий ишда мужассамлашганлигининг ифодасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча меҳнаткашларини эришилган ғалабаларга ва қўлга киритилган натижаларга ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасида берилган юксак баҳо билан чин кўнгилдан, астойдил муборакбод этадилар.

Биз КПСС XXV съездига берган ваъдамизни шараф билан бажо этдик. Тайёрлов пунктларига 6 миллион 100 минг тонна пахта элтиб берилди. Республикада бунча миқдордаги пахта биринчи бор етиштирилди. Пахтакорларнинг бу йилги ғалабаси машаққатли курашда қўлга киритилди. Беш йилликнинг ўтган йиллари осон келмади. Кўкламги жала ёмғирлар, қаттиқ шамоллар ва дўллар катта-катта майдонлардаги экинларни нобуд қилди. Миллион гектаргача ерларга қайта чигит экилди. Ёз ойларида сув танқил бўлса, пахта терими пайтида сурункасига ёмғир ва қор ёғиб турди.

Бу йил ҳам енгил бўлмади. Июлдаги ҳаддан ташқари юқори ҳарорат сув танқислигини кучайтирди. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати ва маҳорати туфайли, механизация даражаси юксак кўтарилганлиги, ҳар бир пайкалдаги иш пухта йўлга қўйилганлиги туфайли табиатнинг ҳамма инжиқликлари бартараф этилиб, рекорд миқдордаги пахта ҳосили етиштиришга ҳамда уни ҳеч нобуд қилмай уюшқоқлик билан териб олишга муваффақ бўлинди.

Бурчга содиқликлари, мардликлари, жасорат ва қаҳрамонликлари учун пахтакорларга, барча деҳқонларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий миннатдорчилик билдиришга, уларга бардамлик, бахтиёрлик ва Ватанимиз бахт-саодати йўлида янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Механизаторларга алоҳида миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг маҳорати ва ҳалол меҳнати натижасида 3 миллион 850 минг тонна пахта ёки ҳосилнинг 63 проценти машиналарда териб олинди.

Қийин кунларда ҳамиша пахтакорларга ҳамнафас бўлган сув хўжалиги меҳнаткашларига, Госкомсельхозтехника ходимларига, тайёрлаш, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг коллективларига, қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчиларига, олимлар ва мутахассисларга, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларига чуқур ҳурмат-эҳтиром изҳор қиламиз.

Етиштирилган ҳосилга республика саноат корхоналарининг коллективлари — машинасозлар, химиклар, энергетиклар катта ҳисса қўшдилар. Улар қишлоққа техника, минерал ўғит ва бошқа моддий-техника ресурсларини ўз вақтида етказиб бериб, шу тариқа колхоз ва совхозларга амалий оталиқ ёрдами кўрсатдилар.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришда қардош республикалар — Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари билан анъанавий социалистик мусобақа муҳим роль ўйнади. Биз қардошларимизга ва мусобақадош дўстларимизга оташин салом сўзлари йўллаймиз ҳамда уларга ленинчи партия режаларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар. Улар юксак онглилик ва интизом намуналарини кўрсатиб, пахта теримида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, завқ билан меҳнат қилдилар. Мана шунинг учун уларга таъзим қиламиз ва бутун халқ номидан ташаккур айтамиз!

Ғаллакорларимиз ҳам ажойиб натижаларга эришдилар. Улар 1980 йилда 2 миллион 580 минг тонна дон етиштирдилар ва ўнинчи беш йилликда давлатга 5 миллион тонна сифатли маҳсулот топширдилар. Бунинг маъноси шуки, тўққизинчи беш йилликка нисбатан дон тайёрлаш икки баравар кўпайди.

Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Ўнинчи беш йилликда давлатга 13,6 миллион тонна, яъни планда белгиланганидан 2,4 миллион тонна кўп мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Пиллачилар шу йилни ва беш йилликни муваффақиятли тугалладилар. Беш йил мобайнида мамлакат 141 минг тоннадан кўпроқ пилла олди. Пландан ташқари 20 минг тоннага яқин пилла топширилди.

Каноп ва тамаки сотиш юзасидан олинган мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш суръатлари йил сайин тезлашмоқда. Ҳамма турдаги чорва туёғи ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, давлатга чорвачилик маҳсулоти сотиш ҳажми ортди. Сут, тухум, қоракўл, жун тайёрлаш беш йиллик планлари бажарилди. Яқинда гўшт тайёрлаш топшириғи бажарилади. 1975 йилга нисбатан гўшт харид қилиш 32 процент, сут харид қилиш 46 процент, тухум харид қилиш 63 процент ортди, биз мамлакат озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга тобора кўпроқ ҳисса қўшаётган ғаллакорлар, сабзавоткорлар, боғдорлар ва чорвадорларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Партиянинг ленинча аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилиши умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини кучайтириш имконини берди. Ўнинчи беш йилликда колхоз ва совхозларнинг ялпи маҳсулоти ўтган беш йилликка нисбатан пландаги 22 процент ўрнига 24,5 процент кўпайди. Ялпи пахта ҳосилининг ўсиши асосан интенсивлаш омиллари ҳисобига таъминланаётганлиги характерлидир. Ялпи ҳосилни кўпайтиришнинг 70 проценти ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Энг қимматбаҳо ингичка толали пахта етиштириш йилига ўрта ҳисобда 1,5 баравар кўпайди.

Беш йиллик мобайнида республика саноати янги муваффақиятларга эришди. Транспорт ва алоқанинг ишида, капитал қурилишда ва экономиканинг бошқа тармоқларида ижобий сифат силжишлари содир бўлмоқда. Халқ хўжалигининг узлуксиз ривожланиши энг муҳим социал вазифаларни изчиллик билан ҳал этиш, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш имконини бермоқда.

Йил ва умуман беш йиллик якунлари бизни қувонтиради. Ҳаққоний ифтихор туйғусини кучайтиради. Шу натижаларни муносиб якунлаш билан бирга бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, экономикани янада ривожлантириш учун янги резервлар қидиришга қаратишимиз, тинимсиз олға боришимиз, тинимсиз кўпроқ муваффақиятларга эришишимиз керак.

Шу боисдан ҳам биз эришилган маррага эртанги кун позицияларида туриб, келгусида ҳал этиладиган янги, янада мураккаб вазифаларни эътиборга олиб, баҳо беришимиз керак.

Бу вазифалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги нутқида ва СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 1981 йил учун тасдиқлаган планларда аниқ белгилаб берилган. В. И. Ленин ибораси билан айтганда, ғоят улкан иш қилиниши керак, шу дамгача бўлганидан бир неча марта кўп меҳнат сарфланиши лозим.

Саноат, капитал қурилиш, фан ва маданият янада ривож топади, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошади.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида ҳам янги, янада кенг миқёсли вазифалар турибди. 1981 йилда далаларнинг ҳосилдорлигини янада ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш керак. Келгуси ҳосилга шу бугун асос солинади. Шу сабабли далаларни ғўзапоядан тезроқ тозалаш, кузги-қишки тадбирларни ўтказиш — ер ҳайдаш, далаларни текислаш, маҳаллий ўғит тўплаш ва ерга солиш суръатларини ошириш зарур. Ерларнинг шўрини ўз вақтида ювиш, коллектор-зовурларни ва канал-ариқларни тозалаб қўйиш лозим.

Кузги экинлар, шунингдек кеч кузги озуқа экинлари экишни тезроқ тугаллаш керак. Шоли ва маккажўхори экиладиган ерларни яхшилаб тайёрлаб қўйиш. 1981 йилда шу экинлардан мўл ҳосил олиш учун ҳамма чораларни кўриш зарур. Бу — бизнинг дон етиштиришни кўпайтиришдаги асосий резервимиздир.

Мева, сабзавотчилик соҳасидаги сабзавот ва полиз экинлари, боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини уларда маҳсулот етиштиришни янада ихтисослаштириш ва ерлардан янада интенсив фойдаланиш асосида бундан ҳам ошириш лозим. Картошка етиштиришни кескин кўпайтириш лозим.

Қиш — чорвадорлар ишида энг масъулиятли фасл. Чорва қишловига яхши ҳозирлик кўриш — уни уюшқоқлик билан ўтказиш, молларнинг маҳсулдорлигини янада оширишга эришиш керак.

1981 йилги вазифалар тиғиз бўлса ҳам, аммо бемалол бажарса бўладиган реал топшириқлардир. Бу топшириқларнинг бажарилишини пухта ташкилотчилик иши, юксак интизом, қаттиқ назорат билан мустаҳкамлаш, экономикамизнинг бирон бир соҳасида ҳам қолоқлар бўлмаслигига эришиш зарур. Омманинг меҳнат ғайратини кучайтириш, ҳар бир коллективда аҳил ишлаш, ижодий ғайрат муҳитини вужудга келтириш, социалистик мусобақани тобора кенг авж олдириш, унинг қатнашчиларини юксак пировард натижаларга, сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтириш муҳимдир.

Республиканинг қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи-деҳқонлари, мутахассислари ва олимлари, барча меҳнаткашлари Ленин партиясининг ғамхўрлигига жавобан 1980 йилги топшириқларни ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар, КПСС XXVI съездини янги зафарлар билан нишонлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Ш. Р. Рашидовнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Ўзбекистоннинг миллион-миллион меҳнаткашлари халқ бахт-саодати тўғрисидаги, ҳар бир иттифоқдош республиканинг экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун жонажон Коммунистик партияга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқдалар. Совет пахтачилигига, «оқ олтин» ижодкорларига жуда катта эътибор бераётган азиз Леонид Ильич Брежневга улар зўр ташаккур изҳор этмоқдалар.

Митинг минбарига чиққан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Фарғона область Киров районидаги «Москва» колхози партия комитетининг секретари А. Маҳкамов, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси карбамид цехининг аппаратчиси В. Н. Войкина, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиғи С. Каримов, Тошкент давлат медицина институтининг студенти Г. Аъзамова шу ҳақда гапирдилар.

Ҳамма нутқларда баён этилган фикрлар шундан иборат бўлдики, совет кишилари севикли Ватан шуҳрати ва қудратини ўз меҳнати билан улуғлаш, мамлакатимиз халқларининг Ильич, Октябрь революцияси чиниқтирган, ҳамма ғалабаларимизнинг манбаи бўлиб қолган, Ўзбекистон пахтакорларига баҳодирона куч бахш этган дўстлигини мустаҳкамлаш иштиёқи билан яшамоқдалар. Нотиқлар республиканинг барча меҳнат коллективларида ғайрат-шижоат жўш ураётганини гапириб бердилар. Ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари, барча ёш ва касбга мансуб кишилар партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларида ўртага қўйилган, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган вазифаларни энг яхши тарзда бажаришни, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишни ўзларининг энг биринчи бурчлари, деб билмоқдалар.

Республиканинг барча меҳнаткашлари йил бўйи интилиб келган ғалабага эришилди! Аммо келгусида янги янада юксак марралар турибди. Бу марралар ҳам забт этилади! Ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаётган Совет Ўзбекистони ўн биринчи беш йилликка комил ишонч билан қадам қўймоқда, бунёдкорлик ишларининг уфқларини тобора кенгайтирмоқда, деб таъкидлашди нотиқлар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома юбориш тўғрисида таклиф тушади. Табрикнома текстини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев ўқиб эшиттиради. Митинг қатнашчилари республика барча меҳнаткашларининг фикри-зикри ва ҳис-туйғулари, уларнинг партияга, социалистик Ватанга меҳр-муҳаббати ва садоқати акс эттирилган мактубни астойдил маъқуллаганликларини гулдурос қарсаклар билан изҳор этадилар.

(ЎзТАГ).

АЖОЙИБ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

[Боши биринчи бетда].

ҳукуматининг катта ёрдами, ўртоқ Л. И. Брежнев республика эҳтиёжларига шахсан доимо эътибор бераётганлиги туфайлигина табиатнинг барча инжиқликларини бартараф этишга, олти миллионли маррага эришиш ва ҳатто ундан ўзиб кетишга муваффақ бўлинди.

Бу йил республикада ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 32,5 центнердан — 1975 йилга нисбатан 4,2 центнер кўп бўлди. Хоразм областининг хўжаликлари гектар бошига 41 центнердан, Бухоро областининг хўжаликлари 37 центнердан, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари 35 центнердан, Андижон областининг хўжаликлари 33,5 центнердан ҳосил кўтардилар. 53 район 35 — 48 центнердан, кўпгина илғор колхозлар ва совхозлар, юзлаб бригадалар эса гектар бошига 50 центнер ва ундан ҳам ортиқ пахта олди.

Шу илғор тажриба пешқадамлари орасида Беруний районидаги Навоий номли, Хўжайли районидаги Ленин номли, Ғиждувон районидаги С. Айний номли, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», Жиззах районидаги Навоий номли, Пахтачи районидаги К. Маркс номли, Шўрчи районидаги «Ленинобод», Ғалаба районидаги «Победа», Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозлар, шунингдек Сариосиё районидаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози, Амударё районидаги Крупская номли колхоздан Қозоқ Камолов бошчилигидаги бригада, Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоздан Саодатхон Мўйдинова, Ромитан районидаги Нариманов номли колхоздан Истам Турсунов, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоздан Рўёб Маматова, Нишон районидаги К. Маркс номли совхоздан Маҳкамой Хазратқулова, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозидан Абдусаттор Шарипов, Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоздан Шониёз Турсунов, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан Хасан Мухторов, Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхоздан Шариф Субҳонов, Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Турсуной Охунова, Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхоздан Қозоқбой Ортиқов, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан Гулим Хайтимбетов бошчилигидаги пахтакор бригадалар ва бошқа кўпгина бригадаларнинг коллективлари бор.

Ҳар қачонгидек бу йилги мавсум ҳам тиғиз бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан шаҳарлар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар қалб амри билан пахтакорларга ёрдам бергани келдилар. Уларнинг ҳаммаси юксак онглилик ва интизом билан, деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, ҳосил теримида фидокорона меҳнат қилдилар.

Механизаторлар мўл ҳосил етиштириш ва уни қисқа муддатларда териб олишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар ғўза парваришининг ҳамма босқичларида катта ижодий меҳнат қилиб, машинада илк бор 3 миллион 850 минг тонна пахта тердилар. Бу миқдор тайёрланган жами пахтанинг 63 процентини ташкил қилади. Бу йил республика далаларида 34 мингтадан кўп терим машиналари, 95 минг трактор прицеплари, кўпдан-кўп машиналар ва механизмлар ишлади.

Пахта териш техникасидан оммавий равишда фойдаланилганлиги, йиғим-терим ишларини ташкил этишда ипатоволиклар методидан кенг фойдаланилганлиги туфайли бу йил мавсумда пахта тайёрлашда мисли кўрилмаган юксак суръатларга эришилди. Республикада йиғим-терим мавсуми айчи авж олган пайтда кунлик пахта топшириш 200 минг тоннага етди. Бу эса пахта тайёрлаш умумий ҳажмининг 3,5 процентини ташкил этади. Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларида ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғи машиналар билан териб олинди. Бу областларда ҳар куни 5—6 процентга етказиб пахта тайёрланди, кўпгина районларда эса бу кўрсаткич 8—10 процентга етди. Илғор колхозлар, совхозлар айрим районлар ҳосилни машиналарда териш умумий ҳажмини 90—95 процентга етказдилар. Минглаб механизаторлар йиғим-терим техникасидан юксак унум билан фойдаланиш учун курашиб мавсумда 300—350 тоннадан ва ундан ошириб пахта териб олдилар. Улар орасида Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Искандар Қаландаров, Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозидан Маҳаммад Курчиев, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозидан Аҳмад Ҳамроев, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоздан Тўлан Дадажонов, Қарши районидаги С. Раҳимов номли совхоздан Мастура Файзиева, Задарё районидаги «Украина» совхозидан Сирожиддин Киромиддинов, Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоздан Усмон Мамадиёров, Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхоздан Шайдулло Ҳазратов, Ильич районидаги «Правда» совхозидан Минаввар Мирбобоева, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Маннон Қўшаев, Тошлоқ районидаги «Коммуна» колхозидан Камол Мамараимов, Хива районидаги Огаҳий номли колхоздан Собир Раҳимов ва бошқа кўпгина механизаторлар бор.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари катта хирмон учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшдилар. Бухоро областининг хўжаликлари давлатга 623 минг тонна, Самарқанд областининг хўжаликлари 616 минг тонна, Андижон областининг хўжаликлари 611 минг тонна, Фарғона областининг хўжаликлари 589 минг тонна, Қашқадарё областининг хўжаликлари 583 минг тонна, Сурхондарё областининг хўжаликлари 540 минг тонна, Тошкент областининг хўжаликлари 480 минг тонна, Наманган областининг хўжаликлари 450 минг тонна, Хоразм областининг хўжаликлари 433 минг тонна, Сирдарё областининг хўжаликлари 418 минг тонна, Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари 411 минг тонна, Жиззах областининг хўжаликлари 353 минг тонна пахта сотдилар.

Шу йил республика деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта-катта муваффақиятларга эришдилар.

Республикада 2580 минг тонна дон етиштирилди. Давлатга унинг миллион тоннадан кўпроғи — шу йил учун белгиланган тайёрлаш ҳажмидан 34 процент кўп сотилди. Беш йиллик бошидан бери эса 5 миллион тонна дон сотилди. Бу миқдор белгиланган ҳажмдан 1562 минг тонна кўпдир. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан дон тайёрлаш икки баравар кўпайди.

Республиканинг мева ва сабзавоткорлари янги муваффақиятларга эришдилар. Бу йил давлатга 2893 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди. Бу миқдор йиллик топшириқдан 258 минг тонна кўпдир. Мамлакатнинг саноат марказлари учун умумиттифоқ фондига 928 минг тоннаси ортиб жўнатилди. Бу миқдор планда кўзда тутилганидан 172 минг тонна кўпдир.

Ўнинчи беш йилликда жами 13,6 миллион тонна — пландагидан 2,4 миллион тонна кўп мева-сабзавот сотилди. Умумиттифоқ фондига маҳсулот юбориш тўққизинчи беш йилликка нисбатан 1,6 баравар кўпайди.

Пиллачилар йилни муваффақиятли якунладилар. Давлатга биринчи марта 30 минг тоннадан кўп пилла сотилди. Бу планнинг 116,5 процентини ташкил қилади. Беш йил ичида мамлакат 141 минг тоннадан кўп пилла олди, пландан ташқари 20 минг тоннага яқин пилла топширилди.

Каноп сотиш мажбурияти ошириб бажарилди: 334 минг тонна каноп тайёрланди. Беш йил ичида 1580 минг тонна — пландан ташқари 30 минг тонна каноп тайёрланди.

Чорвачиликнинг ривожланиш суръатлари йил сайин тезлашиб бормоқда. Бултурги йилга нисбатан чорва ва паррандa ҳамма турлари сони кўпайди, яйловда ва бўрдоқига боқиш яхшиланди, маҳсулдорлик ошди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш топшириқдан илдам бормоқда. Давлатга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 процент кўп чорва ва парранда, 8 процент кўп сут, 11 процент кўп тухум сотилди. Сут, тухум, қоракўл тери ва жун тайёрлаш юзасидан беш йиллик топшириқ ошириб бажарилди, гўшт тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқ ҳам барвақт — ноябрнинг ўрталарида бажарилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни янада ўстиришни ва чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш мақсадида ем-хашак ресурсларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хашак тайёрлаш плани 117 процент бажарилди. Сенаж, силос ва витаминли ўт талқони ўтган йилгига қараганда анча кўп тайёрланди. Ем-хашак запасларини тўлдириш давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириш тўғрисидаги қарори пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтиришда муваффақиятларни қўлга киритишда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор дала ва фермалар меҳнаткашларининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг юксак меҳнат ғайрати ва ижодий активлигини кучайтириб юборди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союзлари ва комсомол ана шу қарорни бажара бориб, қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясини анча оширдилар. Қишлоқ партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш вақтида мураккаб шароитларда оммани етиштирилган бутун ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун, беш йиллик якунловчи йилининг юксак мажбуриятлари муваффақиятли бажарилиши учун курашга сафарбар эта олиш маҳоратини намойиш қилдилар, белгиланган марраларга эришиш учун собитқадамлик билан курашдилар.

Шаҳарларнинг, район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар ҳосилни йиғиб-териб олишда колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини техника, ўғитлар ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаётган саноат ходимларидан, қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиларидан, тайёрлаш ва автотранспорт корхоналарининг ходимларидан миннатдордирлар.

Қардош республикалар — Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан анъанавий социалистик мусобақа пахтадан мўл ҳосил етиштиришда муҳим роль ўйнайди. Тажрибани доимо баҳам кўриб, ўзаро текширишлар ўтказиб турилаётганлиги ишлаб чиқариш резервларини тўлиқроқ очишга ёрдам бермоқда.

Партиянинг ҳозирги замон аграр сиёсати амалда рўёбга чиқарилаётганлиги умуман республика қишлоқ хўжалигининг ривожлантириш суръатларини ошириш имконини берганлигини қайд этиш қувончлидир. Ўнинчи беш йилликда колхоз ва совхозларнинг ялпи маҳсулоти аввалги беш йилликдагига нисбатан пландаги 22 процент ўрнига 24,5 процент ошди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлат бераётган ёрдамнинг муттасил ортиб бораётганлиги, колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ижодий активлиги — ана шу ютуқларнинг негизидир. Шу нарса диққатга сазоворки, ялпи пахта ҳосилининг ўсиши асосан интенсив омиллар негизида таъминланмоқда— пахта ўсишининг салкам 70 проценти ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан олинди. Ғоят қимматли ингичка толали пахта етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори 1,5 баравар кўпайди. Суғориладиган ерлардан ва экинларни суғориш учун сувдан фойдаланиш анча яхшиланди. Беш йиллик мобайнида суғориладиган ҳар гектар ердан олинган маҳсулот таққослама нархларда 15 процент ошди.

Партиянинг ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантиришга қаратилган йўлини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Бу эса республиканинг мамлакат озиқ-овқат фондига қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришни таъминлади. Мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган тармоқ бирлашмалари тузилди. Ихтисослаштирилган хўжаликлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини 15—20 процент оширишни ва чорвачилик маҳсулдорлигини 30 процентгача кўпайтиришни таъминладилар. Ҳозирги пайтда мазкур хўжаликларда 100 процент пахта, қарийб 60 процент мева ва сабзавот маҳсулотлари, 70 процент шоли, 85 процент паррандачилик маҳсулотлари, 52 процент гўшт ва 100 процент қоракўл тери етиштирилмоқда.

Бошқа ташкилий иқтисодий тадбирлар билан узвий равишда ихтисослаштириш дон ва бошқа озиқ-овқат комплекси маҳсулотларини етиштириш суръатларини оширишни таъминлади.

Ўнинчи беш йилликда ўртача йиллик дон етиштириш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 2,2 баравар, жумладан маккажўхори етиштириш 3,2 баравар, шоли етиштириш 1,6 баравар, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш 1,5 баравар ошди. Гўшт харид қилиш 32 процент, сут харид қилиш 46 процент ва тухум харид қилиш 63 процент ўсди.

Қишлоқни социал ривожлантириш соҳасида олға томон катта қадам қўйилди. Қишлоқлар шаҳар типидаги обод посёлкаларга айлантирилмоқда. Беш йиллик давомида салкам уч миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Беш йилликда маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган асосий фондлар 1,5 баравар маиший хизмат ҳажми ҳар бир кишига ҳисоблаганда 1,8 баравар кўпайди. Деҳқонларнинг меҳнати енгиллашди, пахтачиликда механизаторлар бажараётган иш ҳажми 75 процентга етди. Меҳнатга ҳақ тўлаш колхозларда 20 процент, совхозларда 30 процент ошди.

Шу тариқа республика қишлоқ хўжалиги ўнинчи беш йиллик мобайнида ривожланишнинг янги, янада юксак даражасига кўтарилди. Айни вақтда ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш ва унинг самарадорлигини ошириш учун моддий ва ташкилий заминлар вужудга келтирилмоқда.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, Ўзбекистоннинг барча қишлоқ меҳнаткашлари суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун, пахтачиликни, дон хўжалигини, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини юксалтиришда ҳар тарафлама ёрдам кўрсатаётганликлари учун, пахтакорларнинг машаққатли меҳнатига оталарча ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошгандирлар.

Республика деҳқонлари партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрлигига фидокорона меҳнат билан жавоб берадилар. Ҳозирги вақтда далаларда кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш, бўлғуси ҳосил учун мустаҳкам замин яратиш борасидаги ишлар қизғин давом эттирилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Совети тўртинчи сессияси қарорларидан руҳланган дала ва фермаларнинг меҳнатчилари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдирмоқдалар. Республиканинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, барча меҳнаткашлари партия ва халқ ҳаётидаги ана шу муҳим воқеани янги меҳнат зафарлари билан нишонлашдан иборат ягона муддао билан яшамоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Қ. А. АҲМЕДОВГА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика экономикасини ривожлантиришда актив қатнашганлиги, республика партия, совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси ўртоқ Қудратилла Аҳмедович **Аҳмедовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 4 ноябрь.

РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида республика, ўлка ва область халқ контроли комитетлари раисларининг ўқуви тугади.

Бир ой давомида марксизм-ленинизм назарияси ва коммунистик қурилиш практикаси, социалистик экономикани илмий бошқаришнинг, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг актуал проблемалари ўрганилди. Ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь ва октябрь Пленумларида сўзлаган нутқларидаги кўрсатмаларини амалга оширишга меҳнаткашларни сафарбар этиш борасидаги ишларнинг энг муҳим масалалари диққат марказига қўйилди.

СССР халқ контроли тўғрисида Қонун қабул қилиниши ва КПСС Марказий Комитетининг «СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши муносабати билан халқ контроли органлари ишини янада яхшилаш ва уларга партия раҳбарлигини кучайтириш юзасидан тадбирлар тўғрисида»ги қарори муносабати билан халқ контроли органлари фаолиятини такомиллаштириш проблемаларига ўқиш жараёнида катта ўрин ажратилди. Халқ хўжалик планларининг бажарилиши, иш сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, материал ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисод ва тежамкорлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш устидан контролни амалга ошириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, Г. И. Марчук, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари И. Н. Дмитриев, Я. И. Кабков, В. А. Карлов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Халқ контроли комитетининг раиси А. М. Школьников, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирларининг ўринбосарлари Н. А. Петровичев, В. В. Загладин, В. И. Давидов, В. И. Лобусов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Густов, СССР министрлари Н. А. Щелоков, Б. В. Петровский, давлат комитетларининг раислари В. В. Бойцов, Н. Т. Глушков, Ю. А. Израэль, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп, СССР Олий Судининг раиси Л. Н. Смирнов, СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. М. Рекунков ва бошқа раҳбар ходимлар, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг олимлари, профессорлари тингловчилар ҳузурида лекциялар ўқидилар.

Ўқув давомида халқ контроли органлари фаолиятига оид масалалар юзасидан кенг тажриба алмашинди. Курсларнинг тингловчилари шаҳар ва район комитетларининг, Москва шаҳри ҳамда Москва области халқ контроли группалари ва постларининг иши билан танишдилар.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 30 октябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ўндан ортиқ болани туғиб тарбиялаган кўп болали 452 онага **«Қаҳрамон Она»** фахрий унвони берилди, уларга **«Қаҳрамон Она»** ордени топширилди (ЎзТАГ).

КОСМОНАВТИКАНИНГ ЁРҚИН САҲИФАСИ

Л. ПОПОВ БИЛАН В. РЮМИННИНГ 185 КУНЛИК КОСМИК УЧИШИ ТУГАГАНИГА БАҒИШЛАБ СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

5 ноябрь куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси Л. Попов ва В. Рюминнинг «Салют-6» — «Союз» орбиталмий комплексида тарихда энг узоқ давом этган космик экспедицияси муваффақиятли тугаганлигига бағишланди.

Экипаж аъзолари, совет олимлари ва конструкторлари, космонавтларни тайёрлаш раҳбарлари журналистлар билан учрашувга келдилар.

Матбуот конференциясини олиб борган СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Ю. Черняков СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик **В. Котельников**га сўз беради.

У қуйидагиларни айтди: бугун биз космос қаҳрамонларини — 185 кун давом этган мислсиз парвоздан сўнг жонажон Ерга қайтиб келган Леонид Попов билан Валерий Рюминни зўр ифтихор туйғуси ва завқ-шавқ билан табриклаймиз.

Академик В. Котельников космик учиш вақтида бажарилган илмий техникавий экспериментлар программасига батафсил тўхталиб ўтди.

СССР медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси **Е. Воробьев** ўтказилган тадқиқотлар хусусида гапирди.

Экипаж командири СССРнинг космонавт-учувчиси Л. **Попов** сўз олади. Биз ҳали ҳам, деди у, 4 ноябрь куни Кремлда бўлиб ўтган тўлқинлантирувчи воқеанинг таассуроти остидамиз. Ишимизга берилган юксак баҳо, бизга Ватан мукофотларини топширган ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий сўзлари бизни Ватан фани ва техникаси шон-шуҳрати йўлидаги янги зафарларга илҳомлантиради.

Л. Попов илмий ва техникавий экспериментларнинг хилма-хил программаси, орбитал илмий лабораториянинг ҳаёт ресурсини узайтирган ремонт-профилактика ишлари тўғрисида гапирди.

СССРнинг космонавт-учувчиси **В. Рюмин** ўз нутқида қуйидагиларни айтди: дастлаввал Ватан космик техникасининг пишиқ-пухталигини қайд этиб ўтмоқчиман. Айни мана шу энг замонавий техника мураккаб программани муваффақиятли бажариш пойдевори бўлди. «Салют-6» станцияси узоқ вақтдан буён ишлаб турганлиги илмий тафаккурнинг самарадорлигини, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ечимларнинг, космик илмий комплекс ғоясининг тўғрилигини исботлади. У станцияда ўтказилган бир қанча инженерлик ишлари тўғрисида сўзлаб берди.

Сўнгра олимлар билан космонавтлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармалнинг Совет Иттифоқига қилган визити (1980 йил 15 — 24 октябрь) тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда материаллар тўплами босилиб чиқди.

Тўпламга Л. И. Брежнев ва Б. Кармал ўртоқларнинг нутқлари, Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикасининг баёноти ва бошқа материаллар киритилган.

Тўпламни Снёсий адабиёт нашриёти чоп этди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Леонид Аркадьевич **Костандови**ни СССР химия саноати министри вазифасидан озод қилиб, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми медицина фанини ривожлантириш, республикада кадрлар тайёрлаш соҳасида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги кардиология илмий-тадқиқот институтининг директори Рауф Рафаил Александрович **Каценовични** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади

Усмон Юсупов районн — район партия комитетининг секретари ўртоқ Маҳмудов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мамасолиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Камолов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Маматқулов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Дўлманов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Чоршанбиев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Матиев;

Олтинқўл район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Бегматов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Маматхонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саидов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Элмуродов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ризақулов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Сафаров, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Саъдуллаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Камолов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Элмуродов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Федотов, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Тоштемиров, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи ўртоқ Усмонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мамасидиқов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Мирзаев.

Термиз район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Норқобилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бекназаров;

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!



ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Қувасойнинг марказий майдонида пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленинга ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорлик тошкентлик скульптор Ф. Гришенко билан архитектор Х. Убайдуллаев ижодига мансуб. Ёдгорлик ўрнатилган икки гектардан иборат бўлган бу майдонни фаворалар, гулзорлар безаб турибди. Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги нишонланадиган кунда унда Қувасой шаҳри меҳнаткашларининг намойиши ўтказилади. Суратда: В. И. Ленинга ёдгорлик ўрнатилган Қувасой марказий майдонининг кўриниши.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

ГАЗ ҚУВУРИ ИШГА ТУШДИ

ШИРИН (Сирдарё области), 5 ноябрь. (ЎзТАГ мухбири). Бугун Ўрта Осиёда энг катта иссиқлик электр станциясида газ машъаласи ёнди: Қаршн чўлидан бу ерга газ келди. 400 километрлик Шўртан-Ширин газ қувури фойдаланишга қабул қилиб олинди.

Съездолди вахтасида туриб ишлаётган «Средазнефтегазпром» ва «Бухарагазпромстрой» трестларининг коллективлари магистраль ётқизишни муддатидан икки ой илгари тугаллаш мажбуриятини зиммаларига олгандилар. Шундай қилиб улар Улуғ Октябрнинг 63 йиллигача берган ваъдалари устидан чиқдилар.

Янги магистраль мамлакатда тармоғи бўлган газни ўтказадиган биринчи олис қувур трассасидир. Бир метр диаметрли қувурнинг ички деворига махсус ингибитор — коррозияга йўл қўймайдиган химиявий модда қопланди. Бундай қилиш канда қиммат турадиган тозаловчи иншоотлар қуришдан воз кечишга, газ конини ўзлаштиришни тезлаштиришга имкон беради.

Сирдарё электр станциясининг ўтхоналарида Шўртан газини ёқиш натижасида ҳар йили қарийб миллион тонна қора мой тежаш мумкин бўлади.

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

«Жазоир — СССР» жамияти делегациясининг бошлиғи, Жазоир Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси Абдуқодир Ҳажар ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Биз Ўзбекистонда социалистик экономика, фан ва маданият жадал ривожланаётганлигининг гувоҳи бўлдик, совет кишилари тинч бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланаётганликларини, улар халқлар ўртасида дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга астойдил интилаётганликларини дилдан ҳис этдик. Биз қатъий ишонамизки, СССР билан Жазоир ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланаверади.

Ўзбекистон меҳмонлари республика бўйлаб сафар қилдилар. Улар Самарқанд ва Хоразм областларида бўлиб, КПСС XXVI съездини муносиб қутиб олишга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар билан танишдилар.

5 ноябрь куни дўстлик жамияти делегацияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

Жазоирлик меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районлари билан танишадилар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги байрамида қатнашадилар.

(ЎзТАГ).

БАҲОСИ «АЪЛО»

Тошкент аэропорти бугун ҳам ҳар кунгидек гавжум. Йўловчиларнинг айримлари республика пойтахтидан қаёқ-қадир ошиқмоқда, осмондан ерга қўнаётган самолётда пахтакор ўлкага ташриф буюраётган меҳмонлар қизғин кутиб олинмоқда.

Ана яна бир ҳаво лайнери — ТУ-154 парвозга тайёрланмоқда. Унинг атрофида учувчилар гирди капалак. Бири самолёт ичига кириб чиқса, иккинчиси учувчи кабинасидаги механизмларни текширяпти, қолганлари харитани кўздан яна бир бор ўтказишяпти. Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи Г. Рафиқов биринчи класс учувчи, кема командири В. Демиденкога нималарнидир тушунтирмоқда. Ҳамма ишлар жойида шекилли Москва, Тошкент учувчиларн ва мутахассислари билан Тошкент—Андижон маршрути бўйича биринчи техник рейс бўйича учадиган кишилар самолётга чиқишга таклиф этиладилар.

Кучли тезлик билан учиш майдончасидан олға қараб кетаётган самолёт осонгина ердан кўтарилди-да, булутлар орасига шўнғиди.

Иккинчи учувчи М. Нуриддинова мухбирларнинг саволларига аниқ ва лўнда жавоб берарди:

— Самолётнинг ҳам, Андижон аэропорти учиш-қўниш майдончасининг ҳам ажойиб қурилганлиги биз учувчиларни мамнун этди. Баҳоси «аъло». Барча мутахассисларимиз ҳам ана шундай дейишмоқда. Тошкент—Андижон ўртасидаги 380 километрлик масофа 30 минут ичида босиб ўтилди. Соатига 900 километр тезликда ва 7800 метр баландликда парвоз этган самолёт ўзининг ажойиб лайнер эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Биринчи техник рейс билан Андижонга ТУ-154 самолётининг учиб келиши муносабати билан бу ерда кўп кишилик митинг бўлди.

Андижонликлар янги йилдан бошлаб республика пойтахтидан ташқари Москва, Ленинград, Қора денгиз соҳилларидаги марказий курортларга ҳам областдан тўғри учиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Т. УНАБОЕВ,
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ДУНЁДА НИМАЛАР ЯНГИЛИК

ЖАҲОН ШОНЛИ САНАНИ НИШОНЛАМОҚДА

КУБА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги муносабати билан ўтказилган умуммиллий коммунистик якшанбаликда кубаликлардан бир ярим миллиондан кўпроқ киши қатнашди. Қўёш чиқиши биланоқ юк машиналари ҳамда завод ва фабрикаларнинг ишчилари, студентлар, Куба революцион қуролли кучларининг жангчилари тушган автобус карвонлари Гаванадан ва бошқа шаҳарлардан йўлга чиқди. Улар бутун кун давомида сабзавот, кофе, мева ҳосилини йиғиштириб олишда кўмаклашиб, далаларда меҳнат қилдилар.

Кубада Улуғ Октябрь юбилейи ҳар йили меҳнат вахтаси билан нишонланмоқда. Бу йилги якшанбалик алоҳида аҳамият касб этди, чунки у мамлакат ҳаётидаги тарихий воқеа — Куба Компартиясининг II съезди арафасида ўтди.

Коммунистик шанбаликда республика партия, касаба союз ва оммавий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, СССРдан ва бошқа қардош социалистик мамлакатлардан келиб, Кубада ишлаётган мутахассислар қатнашдилар. Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро ўтган якшанбаликни чинакам меҳнат байрами деб атади.

АВСТРИЯ

ВЕНАнинг ишчилар райони — Донауштаддаги катта зал Австрия в СССР давлат байроқлари билан безатилган. Бу ерда жамоатчиликнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Австрия — Совет жамияти Вена бўлимининг секретари В. Гайль йиғилишда доклад қилиб, жаҳондаги барча халқлар учун Россиядаги Улуғ Октябрнинг галабаси гоят катта аҳамиятга молик эканлиги ҳақида гапирди.

У Совет Иттифоқининг шонли Қуролли Кучлари иккинчи жаҳон уруши йилларида Австриянинг кўпгина районларини гитлерчи фашистлардан озод қилганлигини айтди.

СССР, деди сўнгра докладчи, мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги давлат шартномасини ишлаб чиқишда ва тузишда катта роль ўйнади. Ҳозирги вақтда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда Австрия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар самарали ва муваффақиятли ривожланмоқда.

Нотиқ КПССнинг бўлажак XXVI съезди жуда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, съезд қарорлари тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, қуролсизланиш ва халқлар хавфсизлиги учун курашни янада кучайтиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

ШВЕЦИЯ

СТОКГОЛЬМда Октябрнинг 63 йиллиги арафасида уюштирилган интернационал кеча «Яшасин пролетар интернационализми!», «Тинчлик, ҳавфсизлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун», «Меҳнат, тинчлик ва социализм!» деган шиорлар остида ўтди.

Кечани Швециянинг ишчи партияси — коммунистлар, «Швеция — Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқи, бошқа тараққийпарвар ташкилотлар уюштирган эди.

НОРВЕГИЯ

«Норвегия — СССР» жамиятида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда иккинчи жаҳон уруши йилларида Норвегия территориясидаги немис қамоқ лагерларида азоб чеккан кўпгина совет жангчиларининг ҳаётини қутқазиб қолган тўрт нафар норвег ватанпарварларига Уруш ветеранлари совет комитетининг эсдалик медалларн ва ёрлиқлари тантанали вазиятда топширилди.

(ТАСС).

АҚШНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Республикачилар партиясининг вакили, Калифорния штатининг собиқ губернатори Рональд Рейган АҚШнинг янги президенти қилиб сайланди. 4 ноябрь сешанба куни ялпи сайловда берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш ниҳоясига етмасданоқ Р. Рейганнинг Оқ уй учун курашдаги рақиби — ҳозирги президент Ж. Картердан устунлиги шу қадар катта эдики, Ж. Картер сайлов участкалари ёпилишидан анча олдин ўзининг мағлубиятга учраганлигини тан олишга мажбур бўлди.

ОММАВИЙ МИТИНГ

БОНН. Баден-Вюртемберг-даги Бисинген собиқ қамоқ лагери территориясида ГФР-да фашизмнинг тикланиш хавфига қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Митингда ГФР ва Франция жамоатчилиги намояндалари иштирок этдилар.

(ТАСС).

БАЙРАМ АХБОРОТИ

Бутун мамлакатимиздаги сингари серқуёш ўлкамиз пойтахтида ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги кенг нишонланмоқда. Тошкентликлар байрамни муносиб кутиб олиш учун барча тайёргарликни кўриб қўйишди. Жумладан, пойтахтнинг театрларида, истироҳат боғларида, кинотеатрларида ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида байрамга муносиб тухфалар тайёрланди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республикамиз пойтахтининг умумий овқатланиш корхоналари Октябрь байрамини муносиб кутиб олиб, шаҳарликлар дастурхонини турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан безатдилар. Жумладан, Тошкент ресторанлар трестининг 13 ресторанида ярим фабрикатлар ярмаркаси очилади. Бу ярмаркаларда турли хил тортлар, пирожнийлар, сомсалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади.

Ресторанларда ўринлар сони кенгайтирилади. Жумладан, «Зарафшон», «Баҳор», «Тошкент» ва бошқа ресторанларда 2 мингта оилавий стол ташкил этилади. Бу столларда шаҳарликлар оилалари билан келиб бемалол овқатланишлари мумкин.

Байрам кунлари шаҳардаги кўпгина лотокларда спиртсиз ичимликлар реализация қилинади, 20 тонна мороженое сотилади. 7—8 ноябрь кунлари Тошкент отчопарида катта байрам сайли ўтказилади.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган сабзавот ва мевалар ярмаркаси бу гал ҳам муваффақиятли ўтказиляпти. Бу ярмаркаларда аҳолига кўплаб олма, нок, пиёз, картошка ва полиз маҳсулотлари сотиляпти. Тошкент аҳолиси бундан баҳад мамнун бўляпти.

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ

Байрам кунлари Тошкент шаҳрининг барча транспорт воситалари самарали ишлайди. Аҳолининг узоғи яқин қилинишига катта эътибор берилади. 7—8 ноябрь кунлари 3100 такси машиналари аҳоли хизматида бўлади. Тантана кунларида 150 маршрут такси, 850 автобус, кўплаб трамвай, троллейбуслар интервали қисқартирилган ҳолда кечаси соат 1 гача ишлайди. Байрам тантаналари ўтказиладиган Тошкент отчопарига ҳам махсус автобуслар қатнайди.

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Тантана кунларида республикамиз пойтахтининг кўпгина театрларида, кинотеатр ва истироҳат боғларида байрам томошалари ўтказилади. Жумладан, Свердлов номли концерт залида таниқли санъаткорларнинг чиқишлари, Тошкент давлат цирки биносида эса Москва давлат цирки артистларининг байрам томошалари ўтказилади.

ЧУЛҚУВАРЛАР ГАЗЕТАСИ

Улуғ Октябрь байрами арафасида Баҳористон район партия комитети билан халқ депутатлари район ижроия комитетининг органи — «Баҳористон ҳақиқати» газетасининг биринчи сони чиқди. Газетанинг чиройли қилиб безатилган ана шу сонидаги материаллар бултур баҳорда кўрик ерда ташкил этилган янги район тўғрисида, уни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида ҳикоя қилади. Газета ўзбек ва татар тилларида чиқарилади.

(ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

25 октябрь 1980 йил № 62 Тошкент шаҳри

Қўшинларнинг 1980 йил 7 ноябрь паради тўғрисида

§ 1

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг 1980 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги шарафига Тошкент шаҳрида В. И. Ленин номли майдонда ўтказиладиган паради соат 10 га белгиланган.

Парадни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник **Ю. П. Максимов** қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга топширилган.

§ 2

Қисм командирларига линейкийларни юборишлари, тасдиқланган ҳисобга мувофиқ қўшинларни парадга белгиланган вақтда олиб чиқишлари топширилади.

Кийим формаси — ёзлик, парад формасида.

§ 3

Артиллерия салюти менинг кўрсатмамга мувофиқ берилсин.

§ 4

В. И. Ленин майдонида тартиб саклашга умумий раҳбарлик килишни Тошкент гарнизонининг ҳарбий коменданти полковник **Е. П. Модакка** топшираман.

Г. СТРЕЛЬЦОВ,
Тошкент гарнизони бошлиғи — округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал-майор.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1980 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлар вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10 да бошланади. Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланадилар ва белгиланган маршрут бўйича район колонналари составида В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билетлари билан В. И. Ленин номли майдонга кўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускага эга бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчалари, В. И. Ленин номли проспектда соат 7 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

Тошкент метрополитени 7 ноябрь куни эрталаб соат 6 дан кечаси 2 гача ишлайди. Соат 8 дан 2 гача «Пахтакор» ва Октябрь революцияси номли станцияларнинг фақат чиқиш қисми ишлайди. Бу вақтда В. И. Ленин номли майдон станцияси ёпиқ туради.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Биз билан бирга. худди бизлек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.15 — Суна. Бадиий фильм. 3-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беозор уччилар. Бадиий фильм, 2-серия. 16.30 — Ҳунар-техника' таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.15 — Поэзия. 18.15 — Москваликлар. — партия съездига. 18.45 — «Ералаш» журнали саҳифаларида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Композитор Н. Песковнинг «Ватанга қасамёд» кантатаси. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремлнинг съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида Время.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 11.55 — Миша — сеҳргар. Бадиий фильм. 12.25 — Ёшлик. 12.55 — Ў. Умарбеков. Отилмаган ўқ. Спектакль. 17.30 — Қўғирчоқ фильм. 17.50 — Қувноқлар даврасида. 18.20 — Партияга, Ватанга шон-шарафлар! 19.00 — Ахборот. 19.15 — Истеъдод. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффус пайтида Время. 22.15 — Тошкент. Ўзбекистон пахтакорларининг катта меҳнат галабаси Махсус кўрсатув ва концерт.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Қўғирчоқ фильм. 21.15 — Тошкент байрам арафасида. 21.45 — Инсонларга нима ҳадя этасан? 22.05 — Туи ҳам бўлди, куи ҳам бўлди. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — 1980 йил қўшиқлари. 9.35 — Сенга шараф-шон Ватаним. 11.15 — Раҳмат Файзий. Давр ва шахс. Ёзувчи Ш. Рашидов танланган асарлари 5 томлигининг нашрдан чиқарилиши муносабати билан. 11.30 — «Қалдиргоч» ҳамда «Табассум» ашула ва рақс халқ ансамблари ижро этади. 12.10 — Ўзбекистон ашчиси. 13.00 — Чорвадорлар рапорти. 14.00 — Саҳоватли диёр тортиги. 16.00 — Байрам музикали эстрада программаси. 17.00 — Юность Узбекистана. 17.40 — К. Комилов. Менинг муҳаббатим. Вокал-сюита. 18.15 — Беш йиллик илғорлари учун концерт. 19.25 — А. Орипов. Бахтлар водийси. Адабий эшиттириш. 19.45 Лирик оҳанглар. 19.55 — Москва. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремль Съездлар саройидан олиб эшиттирилади. 23.45 — Байрам кайфияти. Концерт.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 6/XI да **Абу Али ибн Сино** (11.00, 15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/XI да **Ҳижрон.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта байрам томошалари** (19.30).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-56.

Р. 00761. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 256. 11